



ЎЗБЕКISTОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 17-may. Shanba 60-61 (31.808)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Президент Ислам Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Хурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, конференция иштирокчиларини, аввало, муҳтарам меҳмонларимизни — нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, илмий тадқиқот марказлари, университет ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ва вакиллари, таниқли олим ва мутахассисларни кутлаб, мазкур Форумда қатнашиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиромим ва миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният етказди.

Бугунги конференциямиз ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд замида ўтказилаётгани бу анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини янада оширади.

Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетақрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга солаётган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълум машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда «абдий шаҳар» деган ном билан бутун дунёда шухрат қозонгани бежиз эмас, албатта.

Мана шу шаҳарда туғилиб-ўсган, вояга етган инсон сифатида менга бу шаҳарда яшаётган барча-барча инсонлар номидан сизларга ўз самимий меҳмондўстлигимизни изҳор этиш ва «Азим Самарқандга хуш келибсиз!» деб қутлаш катта мамнуният етказди.

Қадри дўстлар!

Бугунги конференциямизнинг мақсади — Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳофиз қилиш ва аниқлаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тугган ўрна ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросини янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган сай-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далolat берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги бекиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлиқнинг пайдо бўлиши ва вояга етиши — буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодий, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг янча жадал ўсиши, хўнармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваломбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевоқифа боғлиқ бўлган.

Мен бу фикрга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман. Чунки, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари,

академиялар, олий ўқув юрталари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия рағбат топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайдилар. Одамлар кечаси ўйгуга ётиб, эрта-лаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдиғини топган ва ишончим комилки, бугун бу мавзуда гапиришнинг ўзи ортиқча.

Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бактрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далolat беради.

XI-XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрғазигача бўлган ҳудудлардаги қўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қиёфасининг катта қисмини қамраб олган.

Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқлар транспорт артерияси вази фасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипақ йўлининг улкан, беқиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Мазкур йўл нафақат юқорида зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки қиёфаларни ва давлатлар ўртасида ахборот алмушувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипақ, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўп-лаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вази фасини бажарди ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот ва технологиялар алмушуви учун шарт-шароитлар яратди.

Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билим ва ютуқлар билан бир-бирини бойитиб бориши алоҳида роль ўйнади. Буюк Ипақ йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Фарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди.

Маълумки, ўша даврларнинг аъёналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳўмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмур академияси ва «Бай-тулхикма», яъни «Донишмандлик уйи» деган ном билан шухрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклландган Мирзо Улугбекнинг илмий мактабиде самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Давоми 2-, 3-бетларда.



Халқаро конференция якунланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Қишлоқ ҳўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ ҳўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, республика қишлоқ ҳўжалигининг машинасозлик корхоналари акциядорларининг акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги холдинг компаниясини («Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг асосий вази фалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги учун турли русумдаги техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш;

қишлоқ ҳўжалигининг машинасозлик соҳасида республика қишлоқ ҳўжалигида ресурс тежайдиган агротехнологияларни

жорий этишни таъминлайдиган замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишга қаратилган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш; энергия ва металл ишлатилишини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият курсатаётган корхоналарни модернизация қилиш; холдинг компанияси таркибига кирадиган корхоналар ва республиканинг бошқа корхоналари ўртасида илмий-технавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

қишлоқ ҳўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сервис сиёсатини амалга ошириш.

3. «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари чекланган сонни 35 кишидан иборат ижро аппарати тузилмаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Компания бошқаруви раисига зарур ҳолларда, унинг ижро аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгаришлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилан кўйилсинки, бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси билан келишилган ҳолда холдинг компанияси акциядорлари умумий ййғилишининг қарорига биноан тайинланади.

Давоми 4-бетда.

Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Президент Ислам Каримов форумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлагани барча олим ва мутахассисларни ғоят руҳлантиргани алоҳида таъкидланди.

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Президентининг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммитида иштирок доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2014 йил 20-21 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида бўладиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг тўртинчи саммитида иштирок этади.



Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очиқлиги

ЎЗХДП учун принципал аҳамиятга эга

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятида фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборотларни ҳеч қандай тўсиқларсиз олади. Айтиш кераки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда бу борадаги кафолатларни мустақамлаб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда улкан тарихий қалам бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги таъминлаш — эркин фуқаролик жамиятининг пойдевори» мавзусидаги семинарда бу фикр алоҳида таъкидланди.

Давоми 4-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Жинойят қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар

кириштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди



www.uzbekistonovozi.uz

ГАЗЕТХОН САВОЛИ

«Биз буюртмачининг уйини тўлиқ қуриб бердик. Озгача келишув бўйича у бироз аванс пули берди. Қолгани иш битгандан сўнг берилиши керак эди. Лекин орадан 4 ой ўтди ҳамки у келишувдаги қолган суммани бергани йўқ. Очиқдан-очиқ «топашимда берман», дейди. Тўғри, биз ёзма шартнома қилмаганмиз. Лекин озгача битимимиз бор. Шундай ҳолатда қимса мурожаат қилайлик, ўз ҳуқуқимизни қандай ҳимоя қилишимиз мумкин?»

Болтабой Холдаров, Сурхондарё вилояти.



— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг 2001 йил 18 майдаги 223-сонли «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги тузилмасида

шаҳар ва туман Бандлиқка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказлари ҳузурида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилган.

Ушбу марказларининг асосий вази фалари этиб

вақтинчалик бир марталик ишларга ёлланган фуқароларга ҳамда фуқароларни ёллашда иш берувчи хусусий шахсларга кўмаклашиш, шунингдек, фуқароларни вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришга ёллаётган иш берувчиларга ёллаган фуқароларга хавфсиз меҳнат шaroитини яратиб

бериш, фуқаролар томонидан бажарилган ишлар учун иш ҳақини озгача келишувга мувофиқ тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида тўлаш белгиланган.

Юқоридаги ва шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан жойлардаги прокуратура ҳамда алия органларига мурожаат этиш тавсия этилади.

МУТАХАССИС ЖАВОБИ

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлигининг Аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бош мутахассиси Муқаддам Ҳасанбоева жавоб беради:



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси «Тинчлик ва аҳиллик мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.

Президент Ислам Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Бу ўринда нима назарда тутилмоқда?

Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувиغا, граждандарлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтириши ўз олдида мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва ҳақиқат тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганимиз ва яхши тасаввур этаемиз.

Биз ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўтмишда шаклланган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, эски коммунистик мафзуранинг қолип ва ақидаларидан бутунлай воз кечмасдан, ёшларнинг онгида демократик қадриятларни мустахкамлашдан туриб янги ҳақиқатни барпо этиб бўлмайди, деган қатъий ҳулосага келган эдик.

Агар Ўзбекистонда бугун яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ислохотларнинг зарурати ва роли ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу авваламбор 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини аниқлатади. Агар инсон ўз мамлакатини Конституцияси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини бажариши истаса, у биринчи навбатда ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини таъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиб бериши керак.

Бу моделнинг принципиал хусусияти авваламбор шундаки, умумтаълим мактабидеги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хўнар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хўнарни ҳам эгаллайдилар.

Мен сизларнинг ана шу лицей ва коллежларни — бу Самарқандда бўладими, Тошкентда бўладими, олис шаҳар ва туманларда бўладими — ана шу ўқув юртлирини албатта бориб кўришингизни истардим. Бу коллежлар энг юксак замонавий талаблар асосида бунёд этилган ва барча жиҳозлар билан таъминланган. Биз энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та ана шундай коллеж ва лицейлар барпо этдик. Илгари хорижий меҳмонларга экзотика намуналарини кўрсатардик. Бугун эса уларга болаларимиз қандай ўқийётгани, уларга қандай замонавий шароитларда билим бераётганини, қандай авлод юзига етаётганини кўриниб, дейимиз. Яна шунини таъкидламоқчиманки, ушбу коллежларда тахсил олаётган ёшларимиз иккинчи мутахассисликка эга бўлиш билан бирга, хорижий тилларни, аксарият ҳолларда инглиз тилини ўрганмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ана шу мажбурий таълимдан сўнг ёш йигит-қизларимиз, ўз хохшиларига кўра, бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш учун олий ўқув юртлирида тахсил олишни давом эттиришлари мумкин.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнининг барча босқичларини — мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-хўнар ва олий таълим бўғинини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар бошланганидан бундан олдин юртлири сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 миң нафардан зиёд талаба тахсил олмақда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлирининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият кўрсатади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади.

Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вақиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АКШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмақда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилган ҳаражатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Ҳақон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — «ИНСЕАД» томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринини, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Ҳолис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида ҳолисона ҳулоса чиқаргани учун миннатдоримиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий ҳулосалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжуддигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга давлатлик қилишдан ўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашга ҳақимиз, деб ўйлайман.

Мухтарам конференция қатнашчилари!

Ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва амалда оммалаштиришга бағишланган ушбу конференцияни ўтказиш ўта муҳимлиги ва мақсадда мувофиқ эканига бизнинг ишончимиз қомил, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Форум қатнашчиларининг тарқибини эътиборга олган ҳолда айтадиган бўлсам мен сизлар билан олдиндан танишман.

Сизларнинг ялпи мажлиси ва секциялар бўйича ўтадиган йўналишларда билдирадиган тақлиф-мулоҳазаларингиз муҳомада этилаётган мавзуга оид долзарб масалаларни халқ қилишда муҳим аҳамият касб этиши, ушбу конференция ишини мазмунан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бундай мавзудаги конференция дунёда камдан-кам бўладиган анжумандир. Уйлайманки, унинг натижасига кура жуда бой материалларга эга бўламиз. Бизнес инстагимиз шукки, Шарқ кўлэмаларида сақланаётган улкан меросдан барча-барча инсонлар баҳраманд бўлсин. Уларни одамларга, авваламбор ёшларимизга етказиш айна мудоао бўлур эди.

Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: «Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак», деб айтман. Айна вақтда «Фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!» деб такрорлайман.

Биз келгусида юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий ва тадқиқот марказлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамлаиб боришидан манфаатдоримиз ва бугунги конференциядан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шундан иборат эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шуниси муҳимки, олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги униб-ўсиб келаётган ёш авлод, талаба ва ёшларнинг ўзаро алоқалари учун ҳам, улар дунёнинг қайси жойида яшаши, ўқиши ёки меҳнат қилишидан қатъий назар, кенг йўл очиб беради.

Айна шу жиҳатдан ҳам биз мазкур анжуманининг аҳамиятини чуқур англаб турибмиз. Конференция ушбу мавзу доирасида бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради. Анжуман мавзуси эса, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мазкур йўналишдаги ишларни изчил деб эътириш ва шу мақсадда ажратилаётган маблағларни янада кўпайтиришга қодир эканимизни бутун дунёга намоён этади.

Шунинг учун ҳам биз бундай форумларнинг мунтазам ўтказиб турилиши тарафдоримиз. Ўзбекистон халқи гоят меҳмондўст, сиз, мухтарам меҳмонларимиз бунга ҳар бирингиз ўз мисолингизда ишонч ҳосил қилишингизни хоҳлаймиз. Шу боис сизларни фақат Самарқанд ва Тошкентда эмас, мазкур шаҳар бўлган Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бизнинг буюқ тарихимизни, қадимий цивилизация ютуқларини асраб-авайлаб келаётган бошқа шаҳарларимизда ҳам кўришдан мамнун бўламиз.

Ушбу юксак минбардан туриб шу мухташам залда тўпланганларга яна бир бор самимий хурматимни изҳор этаман, ишингиз самарали бўлишини, Ўзбекистонга сафарингиз сизларда ўчмас таассуротлар қолдиришини истайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ХУБЕРТ ГИЗЕННИНГ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари!

Хурматли конференция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар! Буюк Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган мана шу муҳим тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф. Бу шаҳар Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган афсонавий шаҳар, илм-фан, санъат, маданият ва меъморлик маркази. Бу дунё аҳамиятига молик шаҳардир. «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» деб ном олган мазкур халқаро конференцияни ўтказиш учун, ўйлайманки, бундан ҳам яхшироқ жойини танлашни тасаввур қилиб бўлмас керак.

Энг аввало, ЮНЕСКО учун катта аҳамиятга эга бўлган мавзуга бағишланган ушбу муҳим тадбирни ташкил этгани ҳамда Ўзбекистоннинг таълим-тарбия, илм-фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларини ривожлантириш борасидаги қатъий садоқати учун Президент Ислам Каримовга ва Ўзбекистон ҳукуматиға миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган йилнинг август ойида ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хоним Президент Ислам Каримов билан биргаликда бугун биз тўпланган мана шу масканга яқин бўлган муаззам Регистон майдонига «Шарқ тароналари» 9-халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган эди. ЮНЕСКО Бош директорида ушбу таширф жуда илиқ таассурот қолдирганини ва у киши Сизга, Президент Жаноби Олийлари, ва конференциянинг барча иштирокчиларига энг самимий табрик ва тилақларини етказишимни сўради.

Хонимлар ва жаноблар! Ушбу конференциянинг айнан Самарқандда ўтказилаётгани жуда катта рамзий маънога эга. Бу кўҳна шаҳар дунё аҳамиятига эга бўлган ичун ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданият мероси рўйхатиға киритилган ва унда «Самарқанд — маданиятлар учрашадиган макон» деган сўзлар эътибор қўйилган.

2750 йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳри Марказий Осиёдан жумладан, афсонавий Буюк Ипак йўлидан ўтган дунё маданияти ва йирик савдо йўллариининг чорраҳасида жойлашган. Марказий Осиёдаги Шарқ Ренессанси ҳам буюк аждодимиз

гиз Амир Темур томонидан яратилган қудратли ва гуллаб-яшнаган давлатнинг пойтахти — Самарқанд билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирлар дунё илм-фани, философия ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшганлар ва ушбу минтақа доирасида бутун жаҳонга таратдилар. Улар амалга оширган тадқиқотлар ва илмий ишларнинг натижалари бир неча асрлар давомида Европанинг етакчи университетларида илм-фаннинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилган ва бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда.

Демак, ушбу алломаларнинг илмий ва ҳаётий жасорати, бебаҳо кашфиёти нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бошқа қитъаларда ҳам бугунги давр олимлари, айниқса, ёшлар учун сабоқ бўлиб келмоқда, ўрнатилган ва маданиятнинг ўтамоқда. Бу эса биз учун халқаро миқёсда илмий фикрлашув доирасини кенгайтириш борасида ибрат бўлиб, илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишга имкон беради.

ЮНЕСКО турли минтақалар олимлари ўртасидаги учрашувлар ва тажриба алмашувлар бу жараёнга жалб этилган барча халқларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам беришига ишонч билдиради. Чунки бу ўзаро ҳам-файрлик муҳитини яхшилайдиган, пировардида ижтимоий уйғунлиқни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Шундай қилиб, бундай мулоқот ва фикр алмашувлар ЮНЕСКОнинг асосий миссиясида алоҳида ўрин тутадиган инсоният тафаккурида тинчликни ҳимоя қилиш тамойилларини қарор топтириш борасида энг муҳим омил вази-фасини ўтайди.

Кейинги 40 йилда ЮНЕСКО Марказий Осиёда мулоқот ва тадқиқотларни кучайтиришга қаратилган бир қатор аҳамиятга молик ташаббусларга етакчилик қилиб келган. Олти жилдан иборат бўлган, «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» деб номланган китоблар туркуми ушбу минтақанинг тарихи, маданияти ва илмий ютуқларининг ўта чуқур ва муҳим илмий тадқиқотлари самарасидир. Бундан ташқари, қўҳнда ЮНЕСКО Буюк Ипак йўли масалалари бўйича билимларни алмаштириш учун мўлжалланган, турли илмий йўналишлардаги ёндашувлар орқали олим ва тадқиқотчиларни бириктиришга қаратилган

«Ипак йўли» онлайн платформаси» инновацион ташаббусини амалга оширишни бошлаб юборди. Ушбу ташаббус Осиё, Африка ва Европанинг 55 та мамлакатини бириктирган ҳолда, халқаро ҳамкорлик, ривожланиш ва мулоқот юритиш мақсадида Буюк Ипак йўлини замонавий рақамли маконда қайта тикламоқда.

Хонимлар ва жаноблар! Кеча Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, Паркентдаги Қуёш энергетикаси бўйича халқаро марказда, Ботаника боғида бўлиб ўтган қатор учрашувлар ҳамда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати чоғида мен илм-фан соҳасидаги Ўзбекистон тараққиётининг асосий босқичлари билан шахсан танишдим. Шунингдек, мен раҳбарлар, олимлар ва талабалар билан биз умид қилаётган ёрқин келажак режаларини амалга оширишда илм-фан, технология ва инновацияларнинг роли тўғрисида фикр алмаштириш имконига эга бўлдим.


Шуни айтмоқчиманки, тарифим давомида мен ёш авлод вақиллари — ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар ва оддий одамларнинг мамнун чеҳрасига алоҳида эътибор қаратдим.

Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон — келгуси тараққиёт учун ишончли пойдевор сифатида хизмат қиладиган ёшлардан иборат, ўқимишли, руҳи ва маънавияти юксак инсонлар мамлакатини эканлигини аниқлатади.

Айна пайтда бундай таширф ва фикр алмашувлар Ўзбекистон раҳбарияти, ўрта асрлар Шарқининг таълим-тарбия, илм-фан ва маърифатни ривожлантиришдаги юксак анъаналарини давом эттирган ҳолда, илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига нақадар муҳим аҳамият бераётгани мамлакат келажagini шакллантиришда илгор билимларни жалб қилиш вази-фасига қанчалик содиқлигини намоён этди. Президент Ислам Каримов Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқининг бундай эришилган натижалари ва савий-ҳаракатлариға тасаннолар айтишимизга ижозат бергайсиз.

Биз ўтмиш тажрибасидан фойдаланамиз ва барқарор келажакка интиламиз. Шундай қилиб, мазкур анжуман тарихга назар ташлаб, эришилган билимлар, ақл-заковат ва салоҳият ютуқларидан фойдаланиб, уларга таянган ҳолда барчамиз учун барқарор келажакни барпо этишга қулай имконият яратмоқда.

Эътиборингиз учун ташаккур.



Халқаро конференция якунланди



ЎЗА олган суратлар.

Анжуманининг шўъба мажлисларида Шарқ алломаларининг астрономия, математика, география ва геодезия каби аниқ фанлар шаклланишидаги ўрни, тиббиёт, фармакология, кимё ва минералогия сингари табиий фанлар ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, ўрта асрлар мутафаккирларининг тарихий ва философия мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳаларидаги ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Ал-Хоразмий илмий меросининг Теуриилар даври архитектураси ва эпиграфикасига таъсири, Абу Райҳон Беруний ва геологияда геодинамика ғоясининг шаклланиши, Аҳмад ал-Фарғонийнинг гидрологияга оид кашфиётлари, Ибн Сино илмий мероси ҳамда унинг тиббиёт ва фармацевтика ривожланишидаги ўрни, Маҳмуд Замашарийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматлари, Мирзо Улуғбек ва у ташкил этган илмий мактабининг математика ва астрономия тараққиётига қўш-

ган ҳиссаси, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожигаги аҳамияти каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шухрат Эгамбердиев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биринчи проректори Шухрат Сирожиiddинов, Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнли, «Абу Али ибн Сино — Франция» уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел (Франция), Лувен католик университети профессори Юль Янссенс (Бельгия) ва бошқалар Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро конференция ўрта асрлар алломаларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва

ривожланишига қўшган ҳиссасини идрок этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди. Анжуман иштирокчилари Самарқанд автомобилсозлик ҳамда Енгил санаот ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежларида бўлиб, мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизими самаралари билан танишди. Меҳмонлар ёшларнинг халқаро стандартлар асосида, замон талабларига мос таълим-тарбия олиши учун яратилган шароит ва имкониятларга юксак баҳо берди.

Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмулардан зиёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очиқлиги

ЎзХДП учун принципиал аҳамиятга эга



Семинарда Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида самарали тарғиб қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш, шу орқали аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, электорат вакиллари-нинг ўзларини қўйнаётган муаммолар бўйича давлат органларига муносабат этишларининг қўниб асосларини тушунтириб бериш масалалари юзасидан сўз юритилди.

— Президентимиз Ислон Каримов илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари ҳар томонлама сарҳисоб қилиниб, ислохотларни янги босқичга кўтариш борасидаги асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган эди, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов**. — Ушбу концепция асосида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим қафолатларидан биридир. Ҳар бир қонуннинг жамият тараққиётида ўзига хос ўрни бўлади. Аммо мазкур қонун айнан ЎзХДП учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Айтиш жоизки, унинг қабул қилиниши партиямиз дастурий мақсадлари, электорат манфаатларига тўла мос келади. Унда фуқаролар ўзларини ўйлантираётган муаммолар

еҳми борасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига эркин муносабат қилишлари мумкинлиги, олинган маълумотлар тури ва тартиби қонунда содда ва аниқ қилиб белгилаб қўйилган, нафақат оғзаки ёки ёзма, балки электрон тарзда сўровлар бериш мумкинлиги ҳам қайд этилган. Бу эса фуқароларга турли идораларга махсус бориб ўтирмадан, ўз сўровларини электрон кўринишда жўнаштириш имкониятини яратиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Қонуннинг ижтимоий аҳамияти ундаги барча нормалар аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларига хизмат қилиши, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қарор топишини таъминлашида яққол намоён бўлади.

Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда тарқатишнинг қафолатлари яратилганлиги жамиятга кечаётган демократик жараёнлар, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлардан фуқароларнинг тўлиқ хабардорлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида яратилаётган шарт-шароитлардан аҳоли самарали фойдаланиши учун имконият беради.

Қонуннинг 5-моддасида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйилаётган талаблар тўғрисидаги маълумотлар давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот сифатида белгиланган. Бу эса ЎзХДП Сайлов олди дастуридаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг доимий бандлигини таъминлашга оид мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини янада самарали ташкил этишга қаратилган ҳуқуқий асосни акс эттиргани билан муҳим аҳамият касб этади.

— Мазкур қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари аниқ ва равшан белгилаб берилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова**. — Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон

Қонунда қайд этилишича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ўз веб-сайтларида ахборотларнинг вақтида берилиши, уларнинг ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади.



қилиш ёки чоп этиш, ушбу ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида, ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгиланган бориш, шунингдек, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали ахборот тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови рўйхатини ўтказилган қонунда эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида, ОАВнинг ахборот олишга оид, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш ҳақидаги сўровлари эса кўпи билан етти кун ичида кўриб чиқирилиши керак. Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўрови кўриб чиқиш сўров тақдим этилган давлат органи ваколатига кирмаса, у тегишли ваколатли органига ушбу муддат ичида юборилган бўлса, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилинади. Бу ўз навба-

киритилиши аҳоли вакиллари-нинг зарур ахборотни ўз вақтида олишларини таъминлайди. Унинг 19-моддасида қайд этилишича, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови рўйхатини ўтказилган қонунда эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида, ОАВнинг ахборот олишга оид, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш ҳақидаги сўровлари эса кўпи билан етти кун ичида кўриб чиқирилиши керак. Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўрови кўриб чиқиш сўров тақдим этилган давлат органи ваколатига кирмаса, у тегишли ваколатли органига ушбу муддат ичида юборилган бўлса, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилинади. Бу ўз навба-

тида фуқароларни ортқча оврагарчиликдан холи этиб, тез фурсатда мақсадга эришишларига ёрдам беради.

— Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлари ва тарғибот гуруҳлари эътиборни мазкур Қонуннинг фуқаролик жамияти ривожидидаги аҳамиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишга қаратишлари зарур, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Бу борада турли ўқувлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, маҳаллаларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича услубий қўлланмалар, электорат вакиллари мазкур қонун яратилган ҳуқуқий имкониятлар бўйича кўргазмали воситалар тайёрлаб, кўпи ташкилотларга етказиш зарур. Электорат вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтларидан ахборот олишга ўргатиш қонуннинг ижтимоий ҳаётдаги самарали ижросини таъминлайди.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларининг белгиланиши, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг яна бир қафолатидир, — деди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Сотиболди Бобоқул**. — Қонунда қайд этилишича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ўз веб-сайтларида ахборотларнинг ўз вақтида берилиши, уларнинг ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Умуман, қонунда давлат ҳоки-

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан хабарлар

«Фаол аёллар» қаноти Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан Қонимех туманида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланган семинар ўтказилди. Унда хотин-қизларнинг давлат ва жамият курилишидаги фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратиш борасида фикр алмашилди.

Таъкидландики, эркин ва самарали меҳнат қилиши учун, аввало, хотин-қизлар иқтисодий билимга эга бўлиши ҳамда ўз ҳуқуқий манфаатларини яхши билишлари зарур. Бу каби тадбирлар эса айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Хуршид ХУДОЙБЕРДИЕВ

мияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича барча зарурий масалалар қамраб олинган. Унинг ижроси самарали бўлиши нафақат мутасадди идораларга, балки биз депутатлар, аҳоли фаоллигига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Семинарнинг иккинчи бўлимида қонун моддалари бўйича иштирокчилар ўртасида интерактив машғулотлар ўтказилди. Семинар якунида аҳоли орасида ўтказилган тарғибот тадбирларини самарали ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Наргиза ХУСАНОВА

«101» ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДАН

Олов билан юзма-юз

Шу йилнинг 21 феввали. Кеч соат 22:47 да Урганч шаҳар, 3-кичик даҳадаги 9-уйнинг 36-хонадонда ёнғин содир бўлди.

Хабар келгач, уни ўчириш учун шаҳарни ёнғиндан муҳофаза қилувчи 1-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмидан экипажлар йўлга отланди. Ўт ўчирувчилар соат 22:52 да ҳодиса жойига етиб борди ва 23:05 да ёнғин ўчирилди. Ёнғинни ўчиришда смена бошлиғи лейтенант Шухрат Тўраев билан катта ёнғин ўчирувчи савдор Ихтиёр Аминовнинг тажрибаси кўл келди.

Маълум бўлишича, ёнғин хонадон эгаларининг ёқиб қўйилган шамни қаровсиз қолдиргани оқибатида келиб чиққан экан. Аслида ҳар қандай салбий воқеа-ҳодиса негизда, энг аввало, бепарволик ва эҳтиётсизлик каби нуқсонлар ётади.

Кўпчилигимизда ёнғинни ўчириш ёки одамларни қутқариб қолиш фақат ёнғин ўчирувчининг иши, деган тушунча бор. Дарҳақиқат, ёнаётган хонадон ичига дадил кириб бориш ва одамларни, уларга тегишли мол-мулкни қутқариб қолиш ҳар қандай кишининг қўлидан келадими. Бундай хатарли касбни ҳар ким ҳам танлайвермайди. Бунинг учун ирода ва жасорат керак. Ўз ҳаётини хатарга қўйиб, ўзгалар тақдирини ўйлаш ва улар ҳаёти учун курашиш ростдан ҳам жасорат. Фидойи кишигина бу соҳанинг машаққатлари ва хавф-хатарлиги бардош бера олади. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ана шундай масъулият, фидойийлик ва бурчга садоқатни талаб қиладиган касб ҳисобланади.

Фаргона шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ҲЕХК бошлиғи капитан Абдурашид Мамадалиев раҳбарлигидаги ўт ўчирувчилар Фаргона шаҳар, «Янги аср» кўчасидаги кўп қаватли уйда содир бўлган ёнғин жойига етиб борганда 4-қаватдаги хонадон айвонидан тўту ташқарига чиқа бошлаган эди. Атрофдагилар ичкарисида уч нафар бола қўлиб кетганлигини айтишди. Капитан А.Мамадалиев кичик сержант Хайрулло Мамажонов ҳамда савдор Бунёд Абдуллаев билан уч тирсақли нарвон орқали тепага кўтарилди. Ошхона орқали ичкарига кириб, олов орасидан уч болани ташқарига олиб чиқди. Ҳовлида тўпланган кишилар уларнинг олов ичига кўркмасдан кириб боришганини кузатиб туришган, кўркув ва ваҳумадан ўзларини йўқотиб қўйишган эди. Ўт ўчирувчилар эса ўз бурчларини бажаришди.

Олов чангалидан олиб чиқилган, ҳаёти сақлаб қолинган болаларнинг ота-онаси эса ўз миннатдорчилигини билдиришга сўз тополмас эди.

Анвар ХУДАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ муҳандиси, майор.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан жорий йилнинг 7 май кунидан кучга кирган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг мақсади, мазмуни ва моҳиятини тушунтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Телекоммуникация тармоқларида

рақамлаш тизими такомиллаштирилмоқда

АНЖУМАН

Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари рақамлаш тизимини такомиллаштириш» мавзюда матбуот анжумани ўтказилди. Унда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Unicon.uz» давлат унитар корхонаси, мобил алоқа операторлари вакиллари, алоқа ва телекоммуникация соҳаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва корхоналар мутахассислари иштирок этди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда шошилинч ва махсус хизматлар телефон рақамларини универсаллаштириш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилаётир, — деди «Unicon.uz» давлат унитар корхонасининг алоқа ва ахборотлаштириш илмий-тадқиқот департаменти бошлиғи Аслиддин Мирҳабибов. — Пойтахтимизда шошилинч ва махсус хизматларнинг уч ва тўрт рақамли телефон рақамлари ишлаб турибди. Вилоятларда эса ушбу ташкилотларга ҳозирча эски рақамлар орқали кўнжироқ қилинмоқда. Май ойи охири-

гача уларни тўлиқ ягона рақамга ўтказиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида шошилинч ҳамда тезкор хизматлар телефон рақамларини тизимлаштириш, халқаро стандартлар асосида шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларига улашни ташкил этиш мақсадида шошилинч ва тезкор хизматларнинг «0» билан бошланувчи рақамларини «10х»га, «0х» рақамларини «10хх»га ўзгартириш ишлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шаҳарлараро алоқа тар-



моқларига улашишда фойдаланилаётган «8» рақамини халқаро стандартларга мос «0» рақамига, халқаро алоқа тармоқларига чиқиш учун терилмаган «8-10» оид рақамини «00» га ўтказиш бўйича махсус дастур қабул қилинди. Ва

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Янги таҳрирдаги қонун

акциядорлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиради ва акциядорлик жамиятлари шаффофлигини таъминлайди

Унда соҳа мутахассислари, ҳўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари ва қимматли қўғозлар бозорининг фаоллари иштирок этди.

— 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган мазкур қонунда белгиланган нормалар жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишни талаб этади, — деди **Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи Бахтиёр Ҳайдаров**. — Янги таҳрирдаги қонунда амалдаги қонун нормаларини аниқлаштириш, акциядорлар, хусусан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш,

жамиятларнинг бошқарув ва назорат органлари аҳамиятини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш асосида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Дарҳақиқат, қонунда бир қатор янгиликлар мавжуд. Масалан, акциядорлик жамиятларини очик ва ёпиқ шаклларда бўлиш бекор қилинди, акциядорлик жамияти Уставида акс этирилиши лозим бўлган мажбурий нормалар рўйхати қисқартирилди, акциялар номинал қийматининг максимал миқдори белгиланди, акциядорларнинг умумий йиғилиши қворумига нисбатан минимал талаб-

лар камайтирилди ва ҳоказо. Қонундаги бу каби имтиёз ва афзалликлар акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш ва соҳа хондимилари меҳнатини рағбатлантириш, акциядорлик жамиятларининг ахборот шаффофлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар хусусида атрофдаги маълумот берилди ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Тошметир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Дунё

Интернет



Кенгайишда давом этмоқда

Жорий йилнинг охирига бориб, интернетдан фойдаланувчилар сони дунё бўйича 3 миллиардга етади. Уларнинг учдан икки қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳақда Халқаро электр алоқаси уюшмаси маърузасида баён қилинган.

Аммо ҳозирча ривожланган давлатларда интернетдан фойдаланиш даражаси юқориликча қолмоқда.

Бу борада европаликлар энг юқори кўрсаткичга эга. Тез орада кўхна қитъадаги аҳолининг тўртдан уч қисми тармоқдан фойдалана бошлайди. Шимолий ва Жанубий Америкада ҳам интернетга улашининг юқори суръатлари кузатишмоқда. Бу минтақаларда йил охирида ҳар уч кишининг бири интернетга қўриқиб олиш мақсадида мазкур телефон рақамларининг 3 ой давомида бир вақтнинг ўзида ҳар иккала янги ва эски тизимларда фаолият қуратиши таъминланади.

Соҳа ходимлари, телекоммуникация операторлари бу жараёнлар тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Бундан ташқари, фуқаролар мазкур масалалар юзасидан бўлаётган ўзгаришлар билан Қўмита ҳамда телекоммуникация операторлари веб-сайт-ларидан, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан бохабар бўлиб боришлари керак бўлади.

Матбуот анжуманида шу масала хусусида кенг маълумот берилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга атрофдаги жавоб қайтарилди.

Фозилат ШУКУРОВА, ЎЗМУ талабаси.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази жамоаси Миллий марказ директори А.Саидовга акаси

Тўланбой САИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Реклама ўрнида



Яқин ҳамкор, ишончли кўмакдош

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар молия-банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминламоқда. Бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этиб, бу қабул қилинган халқаро талаблардан 3 баробар кўпдир. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 6,5 трлн. сўмдан ошган. Мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлашда барча молия муассасалари қатори «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда.



Мазкур банк ўзининг йил-гирма йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли молия ташкилоти сифатида юртдошларимизнинг ишончини қозонди. Шу билан бирга, Ўзбекистон молия-банк тизимида барқарор ҳамда жами активлари, депозит портфели, инвестиция портфели ва капиталлашув базасининг кўрсаткичлари буйича доимий равишда бозор макъени мустаҳкамлаб бораётган банклардан бирига айланди.

«Трастбанк»нинг банк хизматлари бозоридagi ўзига хос макъеи фаолиятнинг муҳим йўналишларида қўлга киритилган натижалар, асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларига эга эканида яққол намойён бўлмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарориди белгилаб берилган устувор вазифалар муҳим омил бўлди.

Банк активлари 2,8 баробарга ўсди. 2013 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 743 млрд. сўмдан зиёдни, шу жумладан, кредит портфели 258 млрд. сўмдан ортди. Утган 20 йиллик давр мобайнида банкнинг ўз капитали ҳажми 90,7 млрд. сўмга етиб, 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 3,3 баробарга ортди. Банк устав капиталини босқичма-босқич ошириш йўлидан бориб, натижада ҳозирга келиб унинг 26 млрд. сўм миқдориди шакллантирилишига замин ҳозирланди. Бу кўрсаткич 8,6 млн. евро эквивалентига тенг бўлиб,

банклар устав капитали учун белгиланган энг кам миқдордан (5,0 млн. евро) зиёдни ташкил этди. Корпоратив мижозларни кредитлаш бугунги кунда банк фаолиятидаги устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. «Трастбанк»нинг кенг доирада таклиф этилган рақобатбардош кредит маҳсулотлари, қарз олувчиларнинг эҳтиёжига мос ҳолдаги комплекс ёндашув ва кредит бозори конъюктураси ўзгаришлари вақтида жавоб бера олиш тамойили банк кредит портфели ҳажмини янада ошириш имконини берди. Банкнинг инвестици-

он портфели 2009 йилга нисбатан 26,9 млрд. сўмга кўпайиб, 29,8 млрд. сўмга етказилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва хунармандчиликни молиялаштириш, касб-хунар битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш учун молиявий кўмаклашиш банк жамоасининг доимий диққат марказида бўлмоқда. Ана шу мақсадлар учун «Соғлом бола йили»да кредитлар ҳажмини 1,3 баробарга кўпайтириш режалаштирилган. «Трастбанк» мижозлар учун қўшимча қўлайликларни

яратиш, тармоқ фаолиятини кенгайтириш, аҳоли бўш пул маблағларини фаол жалб қилган ҳолда ўз ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда пировардида иқтисодий ислохотлардаги иштирокини янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

«BankExpo-2014» кўргазмаси якунига кўра, «Трастбанк» «Худудларда фаолиятини кенгайтираётган энг яхши банк» номинациясида ғолиб, деяр эътироф этилди. Зеро, сўнгги тўрт йил мобайнида «Трастбанк» пойтахтимизнинг Яққасарой туманида ва Андижон, Наманган,

Термиз, Самарқанд ҳамда Қарши шаҳарларида янги филиалларини ишга тушириб, уларнинг умумий сонини 9 тага етказди.

Бугунги кунда филиаллар таркибидagi 44 та мини-банк орқали ҳам аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Сўнгги йилларда банкнинг 102 та офиси ишга туширилиши эвазига мижозлар сони 100 мингдан ошди. Улар орасида республикаимиздаги йирик компаниялар ва акциядорлик жамиятлари борлиги эътиборга моликдир.

Сўнгги 5 йилда мижозлардан жалб қилинган маблағлар миқдори 3,3 баробарга ўсди. 2013 йил якуни бўйича, бу кўрсаткич 539,5 млрд. сўмдан ошди.

Жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатлари ҳам ошиб бормоқда. 2009 йилдан шу кунгача аҳолидан жалб қилинган маблағлар ҳажми 3,8 баробарга ўсиб, ҳозирда бу рақам 45,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу банк депозит маҳсулотларининг жозибдорлигидан, мазкур фаолият йўналишининг ишончли ва барқарор эканидан, шу билан бирга, истиқбол учун банк хизматлари бозориди «Трастбанк» макъеи янада

мустаҳкамланаётганидан далолат бериб турибди.

«Трастбанк»нинг ривожланиш истиқболига «Фитч Рейтингс» халқаро рейтинг ташкилоти томонидан бир неча йиллардан буён «Барқарор» рейтинг баҳоси берилмоқда. Бу баҳо, ўз навбатида, банкнинг бизнес соҳаси юксак профессионал даражада олиб борилаётганининг эътирофи ҳамдир.

Банк замонавий ахборот технологиялари воситасида хизматлар сифатини янада ошириш, уларнинг турини кўпайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Айнқса, «Интернет-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва «Банк-Мижоз» каби масофавий банк хизматларининг жорий этилган мижозларга қўлайлик туғдирмоқда. Ҳозирда мижозларнинг 20 фоизи «Интернет-банкнинг» хизматидан фойдаланаётган бўлса, яқин истиқболда бу кўрсаткич 50 фоизга етказиш режалаштирилган.

Муҳтасар айтганда, «Трастбанк» ХОАББ мижозлари ва ҳамкорларининг ишончини янада мустаҳкамлаш йўлида тинмай меҳнат қилмоқда ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини бундан-да юксалтиришни ўзининг асосий мақсади, деб билади.

«Трастбанк» ХОАББ Ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗБЕККЎМИР»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз кончилик ва металлургия саноати соҳаси ходимларини

Ўзбекистон Республикасининг кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни билан муборакбод этади!

Она Ватанимиз истиқлолга эришгач, халқимизни сифатли ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг турини янада кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ангрен ва республикамизнинг бошқа ҳудудларида янги кўмир конларини излаб топиш, уларни чамалаш ва тасарруф этиш борасида улкан ютуқларга эришилди.

Замонавий технологияларнинг ишга туширилиши ҳисобига маҳсулот ҳажми ортиб, унинг сифати тобора яхшиланиб бормоқда.



Биз — иссиқлик ва ёруғлик ижодкорлари — кўмир саноати ходимлари сиз, азизларни ушбу байрам билан табриклар эканмиз, юртимиз тинч, осмонимиз ҳамшиша мусаффо бўлишини тилаймиз.

Хонадонларимиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!



МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560
18743
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 01.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5